



Нужное шағри

№ 324

« 14 » май 2018 ж.и

Негиз келген


«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида жисмоний ва  
юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибин  
тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қонунарига  
мувофиқ ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил  
7 май кунги 341-сонли «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва  
давлат иштiroқидоғи ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартибин тўғрисидаги Намунавий низомни  
таъдиқлаш ҳақида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида,  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 май  
кунги 341-сонли «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат  
иштiroқидоғи ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартибин тўғрисидаги Намунавий низомни  
таъдиқлаш ҳақида»ги Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида жисмоний ва  
юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибин тўғрисида»ги  
Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Вазирликлар ва идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимлиқлари бир ой  
муҳлатда:  
ушбу қарор билан тасдиқланган Низом асосида жисмоний ва юридик  
шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибин тўғрисидаги низомларни  
ишлаб чиқиндилар ва тасдиқласиндилар,  
ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга  
мувофиқлаштирсиндилар.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2-иловага  
мувофиқ бaъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилтишини назорат қилиш Қорақалпоғистон  
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари зиммасига  
лоқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев

Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил 14 майдаги  
344-сонли қарорига 1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида  
жиомоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари  
билан ишлаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**  
**Ўмумий қондалар**

1. Мазкур Низом (кейинги ўринда Низом деб аталади) "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қонунларида (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида жиомоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:  
қўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;  
давлат органларининг, ташкилотларининг, шунингдек улар тарқибий бўлимчаларининг ўзaro ёзималарига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қўйилган асосий тушунчалар қўлланилади:  
**ариза** - ҳужжатлари, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;  
**таклиф** - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** - бузилган ҳужжатлари, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни химов қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;  
**явоним мурожаат** - жиомоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат.

**муурожаатнинг дубликати** - айнан бир жиомоний ёки юридик шахснинг муурожаати нусхаси.

**тақрорий мурожаат** - аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар тақрорий мурожаат келиб тушган пайтда қўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугатган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида қўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жиомоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

**электрон мурожаат** - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бўлган мустасно;

**оммавий қабул** - давлат органи раҳбарларининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жиомоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракатлар;

**видео-конференц-алоқа** - ўзоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**давлат иштрокидаги ташкилот** - устав фондида давлат улushi маъжۇли бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган нотижорат ташкилот.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят шаклида берилиши мумкин.

Вазирлар Кенгашининг "Ишюнч телефони"га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва қўриб чиқилади.

Вазирлар Кенгашининг расмий веб-сайти орқали ёки расмий электрон почта манзилга келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги, Ўгона интерактив давлат хизматлари портали (Хукумат портали) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобта олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Конунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиладди.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

#### **2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш хуқуқлари кафолатлари**

5. Конунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга давлат органлари, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларга яққа тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш хуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш хуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни химоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган харажатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш хуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини, эркинликларини ҳамда конуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бўзмаслиги керак.

Конунга мувофиқ хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролigni бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Конунга мувофиқ мурожаат этиш хуқуқига эга.

6. Мурожаат этиш хуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мансаби, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-хуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

7. Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси конунлари талабларида ривой этишга, уларнинг тўлиқ ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда конуний манфаатлар ҳамда қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

8. Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Низомнинг 6-бобда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

9. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг

розилитисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд конун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуғли бўлган маълумотларни аниқлашга қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

10. Жисмоний шахсони, унинг вақилини, уларнинг онда аъзоларини, юридик шахсони, унинг вақилини ва юридик шахс вақилининг онда аъзоларини улар ўз хуқуқлари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки химоя қилиш мақсадида давлат органлари, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан талқин этиш ман этилади.

#### **3-боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

11. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига қарадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйбунув тартибда юқори турдаги органга берилди.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вақилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёхуд электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага даёқатсиз ва муомала даёқати чеklangан шахсларнинг манфаатларини кўзаб мурожаатлар уларнинг конуний вақиллари томонидан конуний ҳужжатларда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

12. Жисмоний шахснинг мурожаатига жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатига юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатига давлат органнинг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг

лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиши керак.

13. Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур мурожаатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилган мурожаатга илова қилиниши керак.

14. Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тўзатиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчида конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилган.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзили, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтинги аниқлаш учун саклаб қоллиниши мумкин.

15. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколати шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўлимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

16. Мурожаатларни бериш муддатлари қоида тарикасида, белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний

манфатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганини ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоқ билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддат аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тақиланади.

17. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чакриб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат давлат органининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилди.

Мурожаатни чакриб олиш тўғрисидаги ариза давлат органлари, ташкилотлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бағтароф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этайди.

#### 4-бўб. Давлат органларида, ташкилотларида мурожаатлар билан ишлагани ташкиллаштириши

18. Давлат органларида, ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноян амалга оширилади.

19. Тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг ҳисобини қоритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадига давлат органда, ташкилотда белгиланган ўлчумий штатгаги ходимлар сони доирасида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлима (кейинги ўришларда мурожаатлар билан ишлаш бўлимига деб аталади) ташкил этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлимига давлат органларида тушган мурожаатлар ҳажкидан, ходимлар сони ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим, бўлима ёки гуруҳ шаклида ташкил этилиши мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлимига мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита давлат органи, ташкилоти раҳбарига бўйсунлади.

20. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлима: таркибий бўлималар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини қўлади;

мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлималар томонидан бузилиши тўғрисида давлат органи, ташкилоти раҳбарини дарҳол хабардор қилади;

мониторинг нагизчалари бўйича ҳар ойда давлат органи, ташкилоти раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бағтароф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган давлат органи,

ташқиоти ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли тақдирлар билан биргалликда тақдим этади.

21. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлигъманинг ходимларига кўйилади қўшимча талаблар кўйилади:

ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;  
камда уч йиллик иш стажы бўлиши;

уларнинг ходими бўлган давлат органи, ташқиоти бўлиналарининг фойлияти, функцияларига онд мажбуриятлари тўрисида хабардор бўлиш;  
юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;

киришимлилик;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларни кўлланиши биллиш.

Бўлигъма ходимлари мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўз фойлиятини амалга оширишида илтифотли, катъиятли, эътиборли бўлиши керак. Мурожаат қилувчиларга нисбатан хушмуомалали, ваъмин ва эътиборли, шаъсининг шаънини каметмаслиги, унга нисбатан меърибон бўлиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлигъмаси ходимлари ўз хизмат ваъинларини бажариш вақтида ташқи кўриниши бўйича жисмоний ва коридик шаъсларининг давлат органларига, ташқилогларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига кўмакашлиши, умумий қабул қилинган иш тартибига риоя этиши ваъмин ва илтивозли бўлиши керак.

22. Давлат органлари, ташқилоглар мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камда бир марта уларнинг малякасини оширади.

23. Давлат органлари, ташқилоглари ушбу Низомнинг талабларига кўра, мурожаатлар билан ишлашда электрон хужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органларига, ташқилогларига мурожаатлар билан ишлаш:

Ўзбекистон Республикаси Президентини Виртуал қабулхонаси ва Хукумат портални орқали келиб тушган мурожаатлар электрон шаклда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги, шаъар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ва ёки электрон шаклда олиб борилади.

24. Аҳоли билан тўридан-тўри мулоқотни ташқи этиш, мурожаатларининг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маъсадлида давлат органлари, ташқилоглар ва уларнинг мансабдор шаъслари ўз виртуал қабулхоналарини ташқи этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи, ташқилог ёки уларнинг қайси мансабдор шаъслари томонидан тузилган бўлса уша давлат органи, ташқилог ёки уларнинг мансабдор шаъслари номидан фойлият кўрсатади.

25. Жисмоний ва коридик шаъсининг мурожаатига кўрсатилган масълани хар тоқолама ва ўз вақтида хал қилиш маъсадлида, мурожаатда кўрсатилган масълани кўриб чиқилш (хал қилиш) бир нечта давлат органлари ва ташқилогларининг вақолатига кирса, мурожаатни кўриб чиқувчи давлат органи ва ташқилогти бошқа давлат органлари ва ташқилогларига жисмоний

ва коридик шаъсининг мурожаатини қоллетгал эшитишни ўтказилш учун мурожаат қилишга халки.

### 5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқилш тартибн ва муддатлари

26. Ёзма ва электрон (қоғозга ёсонб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журиналига тегишли ёзувларни киритилш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича хисобга олиш қарточкасини тўлдирлиш ва мурожаатининг биринчи саҳифасы кўйи унл қисмида рўйхатга олиш штампини кўйилш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлигъмада рўйхатга олинади.

Мурожаатлар ёзма ёки электрон тарзда рўйхатга олиниши мумкин.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журиналида мурожаатининг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шаъсининг фамилияси (исми ва отваъсининг исми), унинг яшаш жойи, коридик шаъсининг номи, унинг жойлашган жойи, мурожаатининг қисқача маъмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларининг тақрориллиги, назоратга олинганлиги тўрисидаги белги, ижроча этиб белгиланган давлат органи, ташқилогти тарқибий бўлигъмасининг номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўрисидаги белги кўрсатиллади.

Қайд этилш штампида давлат органинининг, ташқилогтининг расмий номи (умумқабул қилинган қисқарттирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатининг келиб тушган сана ва қайд рақами кўрсатиллади.

Мурожаатларининг тартиб рақамлари хар йил бошидан янгидан хисобланади.

27. Жисмоний шаъслар ва коридик шаъсларининг вақиллари давлат органига, ташқилогтига отзақи мурожаат этилганда улар томонидан тақлим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материлаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ тўлдирилган хисобга олиш қарточкасинга илова қилиниши керак.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кеъинқай давлат органи, ташқилогти раҳбарига, унинг ўринбосарига ёки тарқибий бўлигъма раҳбарига киргиллади, у маъсул тарқибий бўлигъмани (қолимини) белгиланган ҳолда мурожаатни кўриб чиқилш бўйича резолюцияни (топшириқнома) куяди.

Резолюция (топшириқнома) кўйилган пайтдан бошлаб бир иш кунин мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлигъма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган тарқибий бўлигъмава (қолигъта) имзо кўйилтирган ҳолда боради. Бунда ижроча этиб белгиланган тарқибий бўлигъма (қолигъ) томонидан ижро этиш тўрисидаги белги кўйиллади.

28. Давлат органига, ташқилогтига келиб тушган мурожаатлар давлат органинининг, ташқилогтининг иш юритувчига қабул қилиниши, бўйсунлиш тартибига давлат органинининг, ташқилогтининг кўйи бўлигъмасига (ташқилогтига) (кейинги ўринларда кўйи орган деб аталади) юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташқилогтига юборилиши

мумкин.

29. Кўйи орган томонидан кўриб чиқишлиш керак бўлган муружатлар унга келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки давлат органининг, ташкilotининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда муружат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

30. Агар муружатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг бергаси муружатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда муружат кўриб чиқишлишни тавсиялайди.

31. Муружатни тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун кўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур муружатни кўриб чиқётган давлат органи, ташкilot ёки уларнинг мансабдор шахслари муружат этувчидан, шунингдек, ўз ваколетлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкilotлардан ва мансабдор шахслардан кўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки конун билан кўриқланадиган бошқа сирни талқил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хужжатлари, эркинликлари ҳамда конуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкilotлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўрайдиган ахборотни ун кун ичида тақдим этиши шарт.

32. Агар муружатни кўриб чиқиш жараёнида муружатнинг дубликатга келиб тушса, ушбу муружат аввал тушган муружат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар муружатнинг дубликатга муружат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкilot ёки уларнинг мансабдор шахслари муружат этувчини ёзма тартибда хабардор қилади.

33. Агар муружатда ўрлага кўйилган масалалар ҳужжатик коритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вақиллари муружатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари, ташкilotлари томонидан ўз ваколетлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда муружатларни кўриб чиқиш учун давлат органи, ташкilotи томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

34. Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкilotига келиб тушган муружатлар беш кун муддатдан кечиктирмай давлат органининг, ташкilotининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда муружат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Муружатни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкilotларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинадиган органларга ёки мансабдор

шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар муружатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар бел кун муддатдан кечиктирмай асослангирлигын тушунтириш билан муружат қилувчиларга қайтарилади.

35. Муружатни кўриб чиқётган давлат органи, ташкilotи ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига кўра ёхуд муружат этувчилнинг илтимосига кўра уни эшитишни ташкilot этиши мумкин.

Давлат органи, ташкilotи ёки уларнинг мансабдор шахслари муружат этувчига муружатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва муружат бўйича кўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Зарур ҳолларда муружат этувчини эшитишга экспертлари, мутахассисларни ва манфаатдор ташкilotларнинг вақилларини жалб этиш мумкин.

36. Агар муружатда жойининг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат байн қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда муружатни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкilotи муружатни жойининг ўзида кўриб чиқишни тавсиялаши мумкин. Муружатни жойининг ўзида кўриб чиқиш давлат органи, ташкilotи раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиғи билан амалга оширилади.

37. Муружатни муружат қилган ёки бошқа шахсининг иштирокисиз кўриб чиқишлиннг имконияти бўлмаганда, улар давлат органи, ташкilotининг мансабдор шахсн томонидан чакерилиши мумкин. Чакерилган муружат қилувчи келмаган тақдирда давлат органи, ташкilotининг мансабдор шахси муружатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиғи тўғрисида жавоб юборади.

38. Муружатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат органига, ташкilotига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири кунни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш кунни муддат тутайдиган кун ҳисобланади.

Электрон муружатлар тушган кунда қозоғга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунинда қозоғга босиб чиқарилиши керак.

Муружатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл кўйилмайди.

Давлат органи, ташкilotининг раҳбарига ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки муружатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахсининг ёки юридик шахс вақитининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг янаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, муружатнинг қисқача мазмунни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённочасида кўрсатилади.

39. Ариза ёки шикоят масалани мазмунни бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкilotига ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи, ташкилоти раҳбари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга ўзайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

40. Тақлиф давлат органига, ташкилотга келиб тушган қундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрнатилган талаб этилган тақлифлар бундан мустасно, бу ҳақда тақлифчи қаритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

41. Айрим ҳолларда давлат органи, ташкилотининг раҳбари ёки унинг ўринбосари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартришилари мумкин.

42. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органи, ташкилоти томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни конкритирмаслик тўғрисидаги қарорини:

